

## XVI-XVII АСРЛАРДА ҚЎҚОН ХОЛИГИ ВА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ

**Азимов Абдулла Алиярович**

Термиз Давлат Университети тарих факултети  
тарих(мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)  
таълим йўналиши 2-босқич талабаси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XVI-XVII асрлар да Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий дипломатик, савдо-иқтисодий ва элчилик алоқалари, ўзаро зиддиятли ҳолатлар, Шарқий Туркистон билан алоқада устун жihatлар ҳақида сўз боради.

Қўқон хонлигининг Хитой билан алоқаларида Шарқий Туркистон алоҳида мавқега эга бўлган. Чунки Қўқон хонлиги Шарқий Туркистон билан бевосита чегарадош, ҳамда уни Хитой билан боғлайдиган карвон йўллари Шарқий Туркистон орқали амалга оширилган. Шарқий Туркистон Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян (Шинжон) автоном вилояти. 1760 йилда Шарқий Туркистон Цин империяси томонидан босиб олингандан сўнг Хитой давлати унга Синьцзян - “Янги чегара” ёки “Янги худуд” номини берган. Шарқий Туркистон худудий атама сифатида XVIII асрдан бошлаб фанга кириб кела бошлаган. XIX аср иккинчи ярмидан эътиборан рус шарқшуносларининг асарларида Шарқий Туркистон атамаси ишлатила бошланган. Бу вилоят XVIII-XIX асрларда Шарқца, сўнгра Европа ва Россияда “Туркистон” деб аталган. “Туркистон” икки хил “Бухоро Туркистони” ва “Хитой Туркистони” номи билан юритилган. “Бухоро Туркистони” ғарбий ўлка, “Хитой Туркистони” деганда шарқий худудлар тушунилган. Худди шунинг каби XVIII-XIX аср биринчи ярмида рус ва европалик олимлар Ўрта Осиёни “Катта Бухоро”, ундан шарқцаги ерларни “Кичик Бухоро” деб атаган. “Кичик Бухоро” ерлари бу Шарқий Туркистондир.

Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан савдо муносабатлари жадал ривожланган бўлиб, улар уртасидаги савдо Кошғар орқали амалга оширилган. Қўқон билан Кошғар ўртасидаги савдо алоқалари Муҳаммад Алихон (1822-1842) даврида Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан чегарасида бир нечта қуруғонлар (Дараут-Қўрғон, Қизил-Қўрғон, С’ўфи-Қўрғон) қурилганидан сўнг жуда кенг ривожланган. 1831 йили Қўқон билан Хитой ўртасида тинчлик сулҳи имзоланган. Пекиннинг 1828 йилдаги Қўқонга қарши иқтисодий санкцияси

ва савдони таъқиқлаш тўғрисидаги ҳужжат бекор қилинади ва 1832 йил 13 январдаги императорнинг махсус фармони билан Кошғардан нафақат чой ва равоч олиб кетишга руҳсат берилди, хаттоки Кошғарда Қўқон савдогарларига божсиз савдо қилишга ижозат беришган. Кошғарнинг олти шаҳарлари - Оқсу, Кошғар, Учтурфан, Хўтан, Ёрканд ва Янгиҳисорда Қўқон савдогарларидан бож йиғиш учун Қўқон хони махсус оқсоқолларини тайинлаган. Шундай қилиб, шу даврдан бошлаб, қўқонликлар Кошғар билан савдода монопол мавқега эга бўлганлар. Тадқиқотчиларнинг олиб борган изланишлари Шарқий Туркистон билан Ўрта Осиё ўртасида серкатнов карвон йўллари утганлигини курсатади. Фарғона водийсидан Кошғарга ўтган икки йўналишдаги карвон йўли бўлган. Бири Андижондан Ўзганд, Чадиркўл ва Тоинбоши дарёси орқали Кошғарга боради. Бошқаси эса Теректи-Довон орқали Кошғарга элтади. Ч.Ч. Валихонов Кошғарг саёҳатида Ўшдан Кошғарга борувчи Теректин йўли булганлигини эътироф қилган. Бу йўлдан йил давомида ҳар куни юк ортилган отлар турнақатор бўлиб ўтади. Теректин йўли ёқилғи ва ем-хашакларга бой булган. Шу йўл орқали карвон Қўқондан Кошғарга 18 кунда етиб келган. Ёркенддан Хулмга, ундан Бухоро ва Кобулга борадиган Бадахшон йўли ҳам бўлиб, Бухорогача 65 кунда босиб ўтилган. Шарқий Туркистон билан Қўқон хонлигини бир-бирига боғлаган Помир йўли бўлиб, йўлларнинг аксарияти Қоқон хонлигига ёки Қоретегин ва Дарвозга ўтган.

XIX аср урталарида Шарқий Туркистон билан Қўқон хонлиги ўртасида савдо-сотиқ алоқалари жадал ривожланган. Валиханов сайёҳларнинг берган маълумотларига таянган ҳолда Шарқий Туркистон шаҳарларини бир-бири билан боғлайдиган ички карвон йўллари, ҳамда Қўқон хонлиги билан туташган қатнов йўллари тўғрисидаги ёзиб қолдирган. Валиханов ўз асарида Кошғардан Ўшгача оралиқ 315 верстни ташкил қилиши тўғрисида хабар берган. Шу билан бирга Кошғардан Андижонга олиб борувчи қадимги йўл Ўзганд орқали ўтганлигини эътироф қилади.

Шарқий Туркистонда ўртаосиёлик савдогарларни «андижонликлар» деб аташган. Кошғарда махсус «Андижон-кўча» деган кўча бўлиб, унда четдан келган савдогарлар яшашган. Шарқий Туркистонга Қўқон, Самарканд, Бухоро савдогарлари қаторида тошкентлик савдогарлар ҳам бориб савдо қилишган. Кошғар товарлари тошкентлик савдогарлар орқали Сибирга ва Ирбит Ярмаркасига олиб борилган. Уларнинг ҳаммапари Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасидаги 1831 йили тузилган шартномага асосан Кошғарда истиқомат қилувчи, резидент ва консул ҳуқуқига эга бўлган кўқонлик оқсоқолга бўйсунганлар<sup>3</sup>. Шарқий Туркистонда турувчи чет элликлар сони тўғрисида Ч.Валихонов келтирган маълумотлар ҳам диққатга сазавордир. Унинг

маълумотларига кўра, муҳожирларнинг аксарияти Кошғарда истиқомат қиладилар, у ердаги андижонликларнинг ўзи тахминан олти мингга боради. Чет элликлар кўп истиқомат қилиб турган шаҳар - бу Кошғардан кейин Хўтан, сўнгра Ёрканд ҳисобланади. Оқсу ва Учтурфонда эса чет элликлар анча кам. Кошғардаги чет элликлар маҳаллий халқнинг тўртдан бир қисмини ташкил этиб, 145 минг жонга боради.

Кўқондан Қашқарга ҳар йили 1000 – 2000 туяга моллар ортилган карвон келган бўлса, бунга жавобан шундай ҳажмдаги карвон Кўқонга келган. Бу савдо карвонларида туя, от, эшак транспорт восита вазифасини бажарган. Эшакларга кўпроқ карвонбоши минган. Терак довони йўли кўпроқ шағалли йўл бўлганлиги учун туялар ёки отларнинг оёғига матодан ё теридан пайпоқ кийгизилган. Натижада туя ёки отларнинг оёғи лат емаган. Отлар бу йўлдан тез ўтишга мослашган, аммо улар ҳам машаққатли тоғ йўлида ҳалок бўлган. Ч.Ч.Валихоновнинг ёзишича, «йўл азоби туфайли ҳар куни иккита ҳайвон ўлган». Унинг гувоҳлик беришича, бир карвондаги 101 туядан Қашқарга 36 таси етиб келган. Йилига 100 дан ортиқ туя ўлса ҳам, бу ҳудудга карвонлар қатнаб турган. А.Маҳкамов карвон эҳтиёжи учун зарур бўлган сув ва ем-хашак бу йўлда мутлақо йўқ деб нотўғри маълумот беради. Мир Иззатулло ва бошқа сайёҳлар бу йўл ёқасидаги кўрғон ва қоровулхоналар атрофида озми-кўпми ем-хашак топиш мумкин деб қайд этадилар.

Ниёз Каримийнинг ёзишича, «Эргаштомдан ўтгандан сўнг фақат Тангритоғнинг (Тянь-Шань –Ш.Қ.) кунгай томонида сув етишмаслиги мумкин. Карвонлар қиш кунлари ем-хашак қилиш учун бўғуз (хашак – Ш.Қ.) олганлар. Йўлда эса, йилнинг қайси фаслида бўлмасин, ўт-чўплар топилади. Тотлиқ сув ҳамма ерда топилади. Аммо карвондагилар сафар давомида ўзлари учун озиқ-овқат олганлар»<sup>306</sup>. А.Федченконинг уч-тўрт кўқонлик савдогар йигитлар берган маълумотлар асосида таъкидлашича, Кўқондан чиқиб бу йўлдан юрган карвон биринчи кун Оқер ва Тошлоқда дам олган. Иккинчи кун эса Қаранчи кум, учинчи кун Марғилонда, тўртинчи кун Мингтепа, бешинчи кун Аравон, олтинчи кун хонликнинг божхона хизмати, ҳарбий қисм мавжуд бўлган ўшда тўхтаган. Еттинчи кун Моду қалъасига келинган. Ўшдан Моду қалъасига қадар бўлган масофа бир фарсахга тенг эди. Моду қалъасидан то Гулчагача саккизта қиялик ва мўътадил тоғлар (нишабликлар) ҳамда икки довонча мавжуд эди. Улардан бирининг баландлиги 700 фут бўлса, Гулчадан сўнг Кўршаб дараси бошланган. Гулчадан 20 верст ўтгандан сўнг йўл икки тармоққа: ўннга Шорт довони орқали Олой тизмаларига, чапга эса Терак довонига олиб борган.

Кўқон ҳукмдорлари хонлик ҳудудидан ўтган карвон йўллари бўйида истиқомат қилган аҳолига бу савдо йўлининг хавфсизлигини таъминлаб

туришни юклаганлар. Жумладан, Қўқонни Қашқар билан боғлаган карвон йўллари ўтган ҳудудда яшаган қирғизлар зиммасига йўлни тош ва қорлардан тозалаш, уни бир тартибда сақлаш, Қўқон карвонларига беминнат ёрдам бериш вазифаси юклатилган эди. Улар ноқулай об-ҳаво шароити ва ноҳуш ҳолатлар мавжуд бўлган даврларда ҳам ўз вазифаларини бажаришган. Татар савдогари Музаффар: «Қирғиз қабиласидан бўлган сартарлар Терак довони ёнида кўчманчилик қилишарди. Қўқон хонлари уларни довонни тозалаш ва карвон йўлида осойишталик ўрнатиш эвазига солиқлардан озод этган эди», – дея хабар беради. Қўқон хонлиги билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо-сотик муносабатлари ривожда иккала ҳудуд савдогарлари муҳим роль ўйнаганлар. Улар ўзаро алоқалар жараёнида айирбошланадиган асосий моллар ва уларнинг хусусиятлари, иқирчиқларихамда савдодаги нархлардан доимо тўлиқ хабардор бўлганлар. Ўз фаолиятларини тўғри йўлга қўйиш учун улар икки мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитларни кузатиб борганлар. Бу маълумотлар асосида икки ҳудуд ўртасидаги савдонинг шартлари ва қоидалари ишлаб чиқилган, бу ҳақда «рисолалар» ёзилган. Бу рисолаларда савдогар шариат ҳукми асосида савдо қилиб, харидорни алдамаслиги, молларни сотаётганда уларнинг айбини айтиб сотиши шартлиги таъкидланган. Уларнинг фаолиятида ворисийлик муҳим ўрин тутган. Савдогар савдо соҳасида ном қолдирган отасининг исми билан у ёки бу ҳудудда фаолият олиб бориб, унинг машҳурлигини ўзидан кейинги авлодлар учун сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қўқон хонлиги бошқа Ўрта Осиё хонлиқларига нисбатан Шарқий Туркистонга энг яқин масафада жойлашган хонлик ҳисобланади. Балки шунинг учундир, Қўқон хонлиги Шарқий Туркистон билан жудаям жадал савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатган. Қолган икки Ўрта Осиё хонлиқлари билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо алоқалари асосан Қўқон хонлиги орқали амалга оширилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

- 1. Шерали Йўлдошев " Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон: Сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар" Т.: 2021-й**
- 2. Р.Р.Алимова Ўрта Осиё хонлиқларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари (XVI-XIX аср бошлари Рус тарихшунослиги ва манбалари асосида) Т.: 2017-й**
- 3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1994.**
- 4. Н.А.Халфин. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX века). -М "Наука", 1974.**